

Онага бўлган эҳтиром



11:25 307

لُخَادَ لَخَدٍ: لَأَقِي نُوْعٍ نُبَابِ نَع
وَهُوَ، نِي رِي سِ نُبِ دَمْحُمِ يَلَع
نُأَشِ أَم: لَأَقِفِ، هُمُ أَدْنَعِ
هَيْئِي شِي كَتُ شِيَا، دَمْحُمِ
نُؤُكَي أَدَكْهُ نَكَلَو، أَل: أَوْلَاقِ
هُمُ أَدْنَعِ نَأَكِ إِذَا

Ибн Авндан ривоят қилинади:

«Муҳаммад ибн Сирийнинг олдига бир одам кирди. У онасининг олдида турган эди. Ҳалиги киши: «Муҳаммадга нима бўлган, касал бўлиб қолдимми?» деди.

«Йўқ, онасининг олдида турганида шундай бўлади», дейишди».

Шарҳ: Яъни бирор-бир ҳаракатим онамга ёқмай қолмасин, дея титраб-қақшаб, онасининг кўзига тикилиб, ниҳоятда ўзини хокисор тутганидан, ташқарида турган одам «Бу одам касал шекилли», дейдиган даражага етиб қолар экан.

Онага бўлган эҳтиром, у кишига кўрсатилган ҳурмат ана шу даражада, бутун вужуд билан берилган ҳолда адо этилган. Уни билмаган одам «Касал бўлиб қолибди, ҳозир бунга бир нарса бўлади», дейдиган даражада қўрқиб кетар экан.

Муҳаммад ибн Сирийн машҳур тобеъинлардан. У киши Ибн Сирийн номи билан машҳур, жуда илмли, бутун Ислом оламида донг таратган улуғ тобеъинлардан бўладилар. Ибн Сирийн оналарининг олдиларида турганларида бир одам кириб борибди. У кишининг ҳолатини кўриб, қўрқиб кетибди. Қайтиб чиқиб: «Нима, Муҳаммад касал бўлиб қолдимиз? Аҳволи чатоқ-ку», деганида одамлар: «Йўқ, касал бўлгани йўқ, онасининг олдида турганида онанинг эҳтиромидан шунақа ҳолга тушиб қолади», дейишган.

Имом Ҳусайн ибн Ҳасан Марвазийнинг биз ўрганаётган «Китабул бирри вас-сила» номли китобида жуда нодир ҳолатлар учрапти. Мисол учун, Муҳаммад ибн Сирийннинг айтиб ўтилган ҳолатларига ўхшаш ҳолатни бошқа китобларда кўрмаганмиз. Яъни онанинг олдида турган фарзанд ҳайбатдан, у кишига бўлган муҳаббатдан, у кишини норози қилиб қўймайин, деган умид билан ўзини хокисор тутишидан ёнида турган одам: «Бу бечора касал бўлиб қолибди-ю, оғир аҳволга тушиб қолибди-ю», дейдиган даражада қақшаган ҳолда туришлари.

Онанинг фарзанддаги ҳаққи шу қадар улуғки, салафи солиҳ улуғларимизнинг, ўзлари катта ва машҳур олим, дунёга донғи кетган аллома бўлишларига қарамай, оналарини қанчалик ҳурмат қилиб, уларнинг олдида ўзларини бу қадар хор тутишларидан ҳар бир мусулмон ўрناق олиши лозим бўлади.

لَاقٍ سَيَقِي نَبَدُ وَادٍ نَع
ةَ رِيْرُهُ أَبَانَا لُجْرِي نَرَبْخَا
سَبَلٍ هَلْزَنْمُ نَمَادَغِ إِذَا نَاك
مُأَيَلَعَفَقَوُّمُثْ هَبَايْث
أَيْمُكُيَلَعُ مَالْسِلَا لَاقِف
هُتَاكَ رَبِّوَهَلْ لَأُهُمَّ حَرَوْهَاتْمُ
أَمَكْ أَرِيْخُ يَنْعُهُ هَلْ لِكَا زَج
دُرْتَفْ أَرِيْغَصُ يَنْتِي بَر
كَا زَجْفُ يَنْبُ أَيَاتِنَاوْهُيَلَع
يَنْتَرَبْ أَمَكْ أَرِيْخُ يَنْعُهُ هَلْ لَا
غَجْرَ إِذَا فُجْرُخِي مُثْ هَرِيْبَك
لَذَلْ ثِمَلَا ق

Довуд ибн Қайсдан ривоят қилинади:

«Бир одам менга хабар берди. Абу Хурайра эрталаб уйдан чиқмоқчи бўлса, кийимларини кийиб, онасининг олдига келар,

«Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ, онажон! Мени кичкиналигимда тарбия қилганингиз учун Аллоҳ сизни яхши мукофотласин!» дер эди.

Онаси: «Ўғлим, кексайганимда менга яхшилик қилганинг учун Аллоҳ сени ҳам яхши мукофотласин!» деб қайтарарди.

Кейин чиқар эди. Қайтганида ҳам ўшанга ўхшаган гапни айтарди».

Шарҳ: Мана, фарзанд билан онанинг орасида бўладиган муносабатнинг намунавий бир ҳолати. Улуғ саҳобий, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дорилфунунлари битирувчиси Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу онани ҳурмат қилиш бўйича дунёдаги барча фарзандларга нумунавий дарс ўтмоқдалар.

Она уйда ўтиради. Ўғил турмуш юмушлари билан ҳар куни ташқарига чиқади. Ўзи, онаси, оиласи учун касб қилади. Аммо вафодор ўғил бир зум ҳам волидасини эсдан чиқармайди. Уйдан чиқаётиб, онасига салом беради, у кишининг ҳаққига гўзал дуо қилади. Уйга кираётиб, онасига салом беради, у кишининг ҳаққига гўзал дуо қилади. Ҳар бир оила учун ажойиб зийнат бўлишга арзийдиган бу иш ҳар куни такрорланади.

Ўзини билган мўмин-мусулмон фарзандлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг бу ишларини ҳозиргача давом эттириб келаётганларига ўзимиз гувоҳмиз. Дунёда мусулмонларчалик онасини бошига кўтарадиган қавмни кўрганимиз йўқ. Аллоҳ бу савобли амални қилишни барча фарзандларга насиб этсин.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.